*Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!*

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

**Кун ҳикмати**

Ўйлаш, фикрлаш гапиришдан кўра афзалдир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 19-noyabr, payshanba, 133 (23.413)-son


## Вилоят Кенгаши сессияси:

# ИШГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРИШИ КЕРАК

**Кеча вилоят ҳокимлиги катта мажлислар залида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўн еттинчи сессияси бўлиб ўтди.**

**Сессия ишини вилоят ҳокими, Кенгаш раиси Э.Турдимов бошқарди.**

Депутатлар дастлаб Паст Дарғом тумани ҳокими Ш.Худойбердиевнинг туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилга мўлжалланган дастури ижроси тўғрисидаги ҳисоботини тинглади.

Қайд этилганидек, туманда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича жорий йилда қиймати 293,5 миллиард сўм бўлган 42 та лойиҳани амалга ошириш ва 604 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар қиймати 293,2 миллиард сўмлик 40 та лойиҳа амалга оширилган. Бу орқали 614 та янги иш ўринлари яратилган.

Бунинг учун 18,3 миллиард сўм банк кредитлари ўзлаштирилган бўлса, лойиҳаларни амалга ошириш учун 133,6 миллиард сўм ташаббускорларнинг ўз маблағи, 13,7 миллион доллар хорижий кредит, 410 минг доллар хорижий инвестиция жалб этилган.

Жумладан, "Самарқанд Камалак Инвест текстил" МЧЖ томонидан қиймати 14,8 миллион доллар бўлган йиллик 5,5 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилган. Корхонада 300 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиб, йилига бюджетга 5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ тўланади.

Атрофлича муҳокама чоғида депутатлар Паст Дарғом тумани сектор раҳбарларига фаолиятида эътибор қаратиши лозим бўлган масалалар юзасидан таклиф ва тавсияларини билдиришди.

Шундан сўнг "Зарафшон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Ф.Ражабовнинг вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ҳолати ва бу борадаги вазифалар ижроси юзасидан ҳисоботи тингланди.

Қайд этиш ўринлики, сессия ишида раҳбарларнинг қуруқ ҳисобот беришига ўрин қолдирилмади.

- Мавжуд маълумотлар тарқатма материалларда қайд этилган, сиз Кенгашдан қандай ёрдам сўрамоқчисиз, қайси муаммони ечишда депутатларнинг ёрдами зарур бўляпти, шулар ҳақида гапиринг, - деди Кенгаш раиси Э.Турдимов. - Дастурлар асосида олиб борилаётган ишлар ўз йўлига, аммо соҳада, шу тизимда нима янгилик қилмоқчисиз, қандай инновацион ўзгаришларни амалга ошириш режаларингиз бор, депутатлар шу ҳақда билишни истаяпти.

Сессияда вилоятда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги ишлар ҳақида ҳисобот берган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Сайфиддин Мўминовнинг умумий маълумотлардан иборат чиқиши депутатларни қониқтирмади.

Хусусан, у тизим раҳбари сифатида қайси энг оғир ҳудудга бориб аҳволни таҳлил қилгани, зарур амалий ёрдам кўрсатгани тўғрисида аниқ мисол айтиб беролмади. Шунингдек, кун тартибидаги масала бўйича таҳлилий маълумотлар келтирилмади.

Сессияга етарли даражада тайёргарлик кўрмагани, лавозим мажбуриятларига совуққон муносабати учун С.Мўминовни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш таклифи берилди.

Навбатдаги сессияда ушбу масала юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Д.Жуманиёзовнинг ҳисоботини эшитиш белгиланди.

Сессия ишида шунингдек, "Фахрий мураббий" орденига номзодларни танлаш, уларнинг фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш бўйича вилоят танлов комиссияси томонидан тақдим этилган номзодлар кўриб чиқилди.

Шундан сўнг инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар белгиланган ҳолда ажратиб берилган ер участкалари бўйича инвестиция лойиҳаларининг якуний ишга тушиш муддатларини белгилаш, шунингдек, инвестиция мажбуриятлари ўз вақтида бажарилмаган лойиҳалар таҳлил этилди.

Муҳокамалар чоғида инвестиция мажбуриятларини бажармаган 5 та тадбиркорлик субъектига ер ажратиш тўғрисидаги қарорлар бекор қилиниб, ушбу ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш белгиланди.

Сессияда вилоят ҳокимининг "Бўш турган давлат мулки объектларини "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончаси орқали аукцион савдоларига чиқариш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш, 2019-2020 йиллардаги қурилиш ва таъмирлаш ишларидан юзага келган қарздорликларни қоплаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш тўғрисида халқ депутатлари туманлар Кенгашларининг қарорлари тасдиқланди.

Сессия ишида ташкилий масала кўрилди. Нуруллаев Ботиржон Ўткирович вилоят ҳокимининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тасдиқланди.


ОБУНА – 2021

*Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига оид хабар ва янгиликлар, жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари ҳақидаги таҳлилий-танқидий мақолалардан биринчилар қаторида воқиф бўлишни истасангиз "Зарафшон"га обуна бўлинг!*

***Обунани матбуот тарқатувчи ташкилотлар ҳамда таҳририятнинг ўзида расмийлаштиришингиз мумкин.***

**«Zarafshon» – барчамизнинг севимли газетамиз!**

ГАЗЕТА ИНДЕКСИ: **5502**

# Юксакларда ҳилпирайвер, ЮРТИМ БАЙРОҒИ

Вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан ўтказилган тадбирлар Самарқанд шаҳридаги Регистон майдони олдидан Кўксарой майдонигача миллий гвардиячилар ва ҳарбийларнинг юриш марафони билан бошланди.

Кўксарой майдонида жаҳон ареналарида юртимиз байроғини кўкка кўтарган спортчиларнинг чиқишлари, «Баркамол авлод» болалар мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари томонидан байроқни акс эттирган қўл меҳнати ва тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Майдондаги улкан байроқ остида ўтказилган тантанали тадбирда вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, шу кунларда вилоятимизда давом этаётган "Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш" тарғибот тадбирлари иштирокчилари бўлган олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

- Спортнинг камондан ўқ отиш тури бўйича ўнлаб мусобақалар ғолиби бўлганман, - дейди халқаро тоифадаги спорт устаси Мунира Нурманова. – Хорижий давлатларда ўтказилган мусобақаларда юртимиз байроғи кўтарилгани ўзгача ғурур бағишлаган, қувонч ва ҳаяжондан кўзим ёшланган. Бугунги кунда шогирдларимга камондан ўқ отиш сирларини ўргатиш баробарида, давлатимиз байроғининг қадр-қиммати ҳақида ҳам тушунчалар бериб бораман.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Х.Очилов иштирок этди.

Санага бағишланган тадбирлар вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида кўтаринки руҳда давом этди.

### ПАСТ ДАРҒОМДА "ИБРАТ" КЎРСАТИЛДИ

"Республика кинопрокат маркази" вилоят филиали ва "Шарқ юлдузи" кинотеатри ҳамкорлигида Паст Дарғом туманидаги 65-умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилган "Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш" шиори остидаги тарғибот тадбири давлатимиз байроғи қабул қилинган кунга бағишланган кинолар намойиши билан давом этди. Тадбир иштирокчилари "Ибрат" ҳамда "101" номли бадиий фильмларни катта экранда томоша қилиш имконига эга бўлди.

### ҚЎШРАБОТДА ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Туман марказидаги 81-умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан ўтказилган бу йилги тадбир аввалгиларидан ўзгача бўлди. Шу куни биринчи қор ёғиши ҳам қўшработликларга байрамона кайфият улашди. Ташқарида ҳаво совуқ бўлгани билан "Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш" маънавий-маърифий тарғибот тадбирига уланиб кетган байрам дастури кўнгилларга илиқлик олиб кирди.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,**
**Нафиса САЙФУЛЛАЕВА,**
**Ҳусан ЭЛТОЕВ (фото).**

Самарқанд шаҳрида "Samarkand Half Marathon-2020" доирасида ўтказилган шаҳар ва клублар ўртасидаги мусобақаларнинг якунлари ҳамда мусобақанинг ташкилий ишлари сарҳисобига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

# "Samarkand Half Marathon – 2020"

## 1 декабрга қадар давом этади

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Самарқанд хайрия яримарафони ташкилий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимовнинг айтишича, бу йилги яримарафон пандемия сабаб анъанавий ва онлайн тартибда ташкил этилган бўлса-да, унга қизиқиш жуда юқори бўлди.

– Ўтган йил илк бор ўтказилган мусобақада 1200 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашган бўлса, жорий йил иштирокчилар сони 3000 нафардан ошди, – деди А.Абдуҳакимов. – Энг муҳими, мамлакатимиздан ташқари дунёнинг 35 давлатидан профессионал спортчилар, ҳаваскорлар Самарқанд яримарафонида қатнашди. Мусобақа айни пайтда ҳам онлайн давом этмоқда. Эътиборлиси, иштирокчилар томонидан мусобақа муддатини узайтириш бўйича таклифлар билдирилмоқда. Шуни инобатга олиб, ташкилотчилар билан келишган ҳолда Самарқанд яримарафонини жорий йилнинг 1 декабрига қадар давом эттирамиз.

Матбуот анжумани доирасида мусобақанинг шаҳар ва клублар ўртасида ташкил этилган баҳслари ғолиблари тақдирланди. Якуний натижаларга кўра, клублар ўртасидаги баҳсда "Тошкент Ранерс" клуби ғолибликни қўлга киритган бўлса, Sporty family клуби иккинчи, "Туризм Ранерс" клуби учинчи ўринни эгаллади. Мусобақанинг энг яхши югурувчилар шаҳри баҳсида Тошкент шаҳри биринчи, Душанбе шаҳри иккинчи ва мезбон Самарқанд шаҳри учинчи ўриндан жой олди.

Матбуот анжуманида яримарафондан тушган маблағлар ҳисобидан фақатгина Тошкент шаҳрида эмас, балки Самарқандда ҳам аутизмга чалинган болалар учун бадиий устахона ташкил этишга қарор қилингани маълум қилинди.

# Меҳмон ўрнига ссуда берилди

Коронавирус пандемияси кўплаб соҳаларнинг иқтисодий ривожланишига жиддий зиён етказди. Жумладан, туризм соҳасига ҳам. Айни мавсумда карантин чекловлари сабаб кўплаб меҳмонхоналар ўз фаолиятини тўхтатди. Улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун қандай имтиёз ва имкониятлар яратилди?

- Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 155 та (6500 ўринли) меҳмонхона, 170 (1611) ўринли) оилавий меҳмон уйи ва 186 та сайёҳлик фирмаси мавжуд. Пандемия даврида туризм соҳаси субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз раҳбари ва ҳукуматнинг бир қатор фармон ва қарорларига асосан туризм соҳаси субъектларига 12 турдаги имтиёзлар, грантлар, субсидиялар ва ссудалар ажратилиши белгиланган, - дейди вилоят туризмни ривожлантириш департаменти шўъба мудири Фаррух Уралов. - Хусусан, меҳмонхона ва туроператорлик ташкилотларига 12 ой муддатга бир марталик мақсадли, фоизсиз ссуда ажратиб келинмоқда. Бугунги кунга қадар вилоятдаги 30 та меҳмонхона ва туроператорлик ташкилотлари ишчиларининг ойлик иш ҳақини тўлаш учун 1,4 миллиард сўм миқдоридаги ссуда уларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиб берилди. Яна 170 тадбиркорлик субъекти томонидан 4 миллиард 489 миллион сўм миқдорида ссуда олиш истаги билдирилган. Шунингдек, туризм соҳасидаги "стартап" лойиҳалар ва инновацион бизнес ғоялар, шу жумладан, ахборот дастурлари ва хизматларини қисман субсидиялаш учун 208 миллион сўмлик 7 та лойиҳа ҳужжатлари тақдим этилган.

Хорижий ошхона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик овқатланиш шохобчалари, озиқ-овқат ва сувенир маҳсулотларини етказиб бериш лойиҳаларига грантлар ажратиш бўйича тадбиркорлик субъектлари томонидан 470 миллион сўмлик лойиҳалар шакллантирилди.

Ўрганишлар натижасида тадбиркорлик субъектларининг харажатлари, олдин олган кредитларини қоплаш учун 41 тадбиркорлик субъекти томонидан 71 миллиард миқдоридаги кредитларнинг фоиз харажатларини субсидиялашга талаб мавжудлиги аниқланди.

Бугунги кунда туризм тадбиркорлик субъектлари сони 511 тани ташкил қилиб, юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзларни ўзлаштириш кўрсаткичи 63 фоизни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги "Меҳмонхона хўжалиги фаолиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, вилоятимизда қуриб фойдаланишга топшириладиган 9 та 3 юлдузли, 3 та 4 юлдузли меҳмонхонага 47 миллиард 755 миллион сўмлик субсидия ажратилиши кўзда тутилган.

2020-2021 йилларда вилоятимизда 47 та меҳмонхона қурилиб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Жумладан, Самарқанд шаҳрида 34 та, Самарқанд, Нарпай, Қўшработ, Каттақўрғон, Ургут туманлари ва Каттақўрғон шаҳрида 1 тадан, Нуробод ва Жомбойда 2 та, Пайариқ туманида 3 та меҳмонхона қурилади.

**Н.НЕЪМАТУЛЛАЕВА.**

Ижтимоий адолат, тенглик ва бирдамлик Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсий мафкурасининг асосий қадриятлари ҳисобланади. Партия ўз дастурий мақсадларини, аввало, мамлакатда ижтимоий барқарорлик, фуқаролар ва миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ҳар бир оила ҳамда бутун халқнинг фаровонлигига эришиш каби умуммиллий манфаатлар устиворлигига асосланиб белгилайди.

# Партиямизнинг ўз режалари бор

Шунингдек, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаётган ота-оналар, ёлғиз кексалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда аҳолининг бошқа заиф қатламларига пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларни белгилаш, барқарор ривожланиш бўйича миллий мақсадлар ва вазифалардаги мезонларга асосланиши керак, деб ҳисоблайди.

Пандемия шароитида кам таъминланган оилалар аъзолари, жумладан ишсизлар, меҳнатга лаёқатли ногиронлар, ёшлар ва аёлларни тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш чоралари кўрилди. Зеро, фақатгина давлат томонидан аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқалигина турмуш даражасини юксалтириш, камбағалликни қисқартириш мумкинлигини бугунги даврнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари, партия ижтимоий сиёсат ва давлат ижтимоий дастурларини ишлаб чиқишда, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларнинг энг кам даражасини белгилашда халқаро ҳамжамиятда умумқабул қилинган кўрсаткичлар, яъни яшаш минимуми ва истеъмол саватчаси, уларни қўллаш тартибини қонуний жиҳатдан белгилаш ҳамда амалиётга киритиш тарафдори.

Бу борада Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун маъқулланди. Жорий йил 15 октябрь куни давлатимиз раҳбари мазкур қонунни имзолади.

Ушбу қонун мамлакатимизда инсон қадр-қиммати, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар масалалари доимий диққат-эътиборда бўлиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг амалий исботи бўлди. Негаки, мазкур ҳужжатда партия электорати - ногиронлиги бўлган шахсларнинг қадр-қимматини, уларнинг шахсий мустақиллигини, танлаш эркинлигини ҳурмат қилиш, камситилишига йўл қўймаслик, имкониятлар тенглигини таъминлаш, ногиронлиги бўлган болаларнинг ривожланаётган қобилиятини ва ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, объектлар ва хизматлар кўрсатиш нуқталарида ногиронлиги бор шахслар учун қулай шароит яратиш каби принциплар ўз ифодасини топган.

Шу маънода, партия давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида етакчи позицияларга эришиш чораларини кўраётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бу партиянинг дастурий мақсадларни амалга ошириш учун зарур шароитлар яратади. Яъни, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши ҳамда самарали ижро этилишини таъминлаш билангина жамиятда ижтимоий тенглик, адолат ва бирдамлик тамойилларини қарор топтириш мумкин.

**Фарҳод ХИДИРОВ,**
**Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси ўринбосари.**

Бугуннинг гапи

## Нега Humo пластик картасидан

# ИККИ МАРТА ПУЛ ЕЧИЛЯПТИ?

Бундан беш-олти йил олдин пластик карталардаги маблағларни нақдлаштириш билан боғлиқ кўплаб муаммоларга дуч келардик. Айрим "тадбиркор"лар 15-20 фоизга ҳам нақдлаштиргани ёхуд пластик карточкага савдо қилсангиз устама пул олгани ёдимиздан чиққани йўқ. Хўш, бугун-чи?

Шаҳар ва туман марказларида яшайдиган аҳолининг аксарияти учун нақд пул ва пластикнинг аҳамияти бирдек, иккаласини ҳам ишлатишда муаммоларга дуч келмайди. Ҳатто қулайлик тарафлари ҳам бор. Олдинлари коммунал хизматлар, уяли алоқа воситалари, кредит тўловлари учун банкка борган бўлсак, бугун бу жараённи уйда туриб ҳам амалга оширса бўлади.

- Терминали йўқ, пластик картадан савдо қилишни рад этган тадбиркорлик субъектлари устидан шикоятлар келиб тушарди, энди Humo пластик картасидан бир неча бор пул ечилгани ҳақидаги мурожаатлар кўпайди, - дейди истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вилоят ҳудудий бирлашмаси мутахассиси Шавкат Ҳамроев. - Жумладан, Пайариқ тумани Ғаллакор маҳалласида яшовчи фуқаро А.Завқиев Иштихон туманида жойлашган "Лайло газ сервис" МЧЖга қарашли автомобилларга газ қуйиш шохобчасидан Humo банк пластик карточкаси орқали 35800 сўмлик метан гази харид қилган. Орадан бироз вақт ўтгач, телефонига пластик картасидан 2 маротаба пул ечилгани тўғрисида хабар келади. Аммо "Лайло газ сервис" МЧЖ оператори эътирозни рад этгач, бундан норози бўлган А.Завқиев 1091 рақамли «Ишонч телефони»мизга мурожаат қилади.

Мурожаат ўрганиб чиқилганда ҳақиқатан ҳам А.Завқиев "Лайло газ сервис" МЧЖга қарашли газ қуйиш шохобчасида харид қилган 35800 сўмлик метан гази учун Humo банк пластик карточкасидан бир вақтнинг ўзида икки маротаба 35800 сўм пул ечиб олинганлиги аниқланди.

Ўйлаб қоласан киши, бу жараёнда ким айбдор? Албатта, тадбиркор дейишингиз мумкин. Аммо интернет тезлиги паст ҳудудларда бу каби вазиятлар бўлмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Чунки Humo пластик картасидан 50 мингдан кам маблағлар контактсиз қабул қилинади. Бу харидорларга қулайлик яратиш мақсадида, албатта. Тадбиркорларнинг терминални яхши тушунмаслиги, харидорларнинг чек талаб қилмаслиги юқоридаги ҳолатларга сабаб бўлаётгани ҳам сир эмас.

Шу билан бирга бугун баъзи тадбиркорларимиз томонидан терминаллардан фойдаланмаслик ҳолатлари учраб турибди. Савдо мажмуасидан маҳсулот харид қилиб, кассага келганингизда "терминалимиз йўқ", деган жавоб эшитасиз. Ёнингизда нақд пул бўлса яхши, бўлмаса сотувчининг норизо нигоҳига учрайсиз, гўёки пластик карта ишлатганингиз учун айбдордек. Ваҳоланки, қонун доирасида терминаллардан фойдаланмаган тадбиркорлик субъектларига жарима белгиланган.

- Президентимизнинг 2017 йил 15 февралдаги "Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 2017 йилнинг 1 мартидан бошлаб чакана савдо ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар аҳолидан тўловларни пластик карточкалар ёрдамида қабул қилиши шарт, - дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Даврон Равшанов. - Ҳисоб-китоб терминалларини ўрнатмаган тақдирда ўз фаолиятларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмайди. Товар ва хизматларни электрон тижорат, шу жумладан, интернет-дўкон ва электрон савдо майдончалари орқали реализация қилувчи электрон тижорат субъектлари ўз фаолиятларини электрон чек ёки ҳақ олинганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат юборишни таъминлайдиган виртуал терминалларни (E-POS) қўллаган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга. Терминалдан фойдаланиш талабларига риоя этилмаганлиги савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилиб, ҳисоб-китоб терминаллари орқали тўловларни қабул қилишни рад этганлик Солиқ кодексининг 221-моддасига асосан беш миллион сўм миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Халқаро тажрибадан маълумки, нақд пулдан кўра банк карточкалари орқали муомала қилиш бир қатор афзалликларга эга. Ҳатто бугунги пандемия шароитида ҳам пластик карталар нақд пулга қараганда анча хавфсиз.

**Насиба ЖОНТЎРАЕВА.**

## Қайси ҳудудда қорамол кўп боқилади?

2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, вилоятимизда йирик шохли қорамоллар 1 586 минг бошга етди.

2019 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони – 2,6 минг (0,2 фоиз)га кўпайган.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, жами йирик шохли қорамолларнинг 94,8 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.

Ҳудудлар кесимида энг кўп йирик шохли қорамол – Паст Дарғом (183,7), Ургут (181,5), Каттақўрғон (140,7,) Иштихон (128,5) туманларида.

# "ЙЎЛ ХАРИТАСИ"

## нима ва у қандай ижро этилади?

... вазифалар ижроси юзасидан "йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

... лойиҳа ижроси бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

... лойиҳа "йўл харитаси"га киритилди.

Кейинги йилларда бундай жумлани кўп эшитяпмиз. Хўш, "йўл харитаси" нима, бу "харита" қандай ижро этилади? Бу саволга мутахассислар қандай изоҳ беришади?

- Ҳар бир соҳада бирор ишни бошлаш учун режа тузилади ва бажариладиган ишларнинг тақсимоти бўлади, - дейди вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Шерзод Раҳмонов. – Содда қилиб айтганда, "йўл харитаси" бирорта лойиҳанинг ижроси юзасидан тузиладиган режа.

Иқтисодиёт соҳасида тез суръатда ўсаётган хизматлар кўрсатиш соҳасини оладиган бўлсак, бу йўналишдаги лойиҳаларнинг ижросини таъминлаш бўйича "йўл хариталари"да белгиланган лойиҳаларнинг ижроси юзасидан ишлар олиб борилади.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ва диверсификациялашни таъминлаш ҳамда рақобатбардошлилиги ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки бу тармоқ хилма-хиллиги ва тез ўзлаштириб, субъектлар қисқа фурсатда иш бошлаётгани туфайли соҳа жуда тез ривожланиб, ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Масалан, карантин чораларига қарамасдан жорий йилнинг 9 ойида вилоятимизда кўрсатилган хизматлар ҳажми 10 триллион 138,9 миллиард сўм ёки 102,3 фоизлик ўсиш суръати қайд этилди. Соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 32,2 фоизга етди.

Маълумотларга кўра, хизматлар соҳасини ривожлантириш учун 2800 га яқин фуқаро тикувчилик, сартарошлик, компьютер иши, автомобилларни таъмирлаш, ошпазлик, электроника каби касбларга ўқитилган. Йил якунигача яна қарийб 1500 нафар фуқаро касбга ўқитилади.

Бундан ташқари, вилоятда ўзини ўзи банд қилган 67 хил турдаги мустақил фаолиятни амалга оширувчи касб эгалари хатловдан ўтказилиб, касб-ҳунари борлар махсус мобиль илова ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали рўйхатга олинмоқда.

Бу албатта яхши, лекин айрим ҳудудларда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва саноатни ривожлантириш учун тузилган "йўл харита"ларининг ижроси турли сабабларга кўра кечикаётгани, айрим ҳолларда кредит таъминотидаги узилишлар, бинонинг йўқлиги туфайли лойиҳани амалга ошириш имконияти чекланаётгани ҳам учраб туради.

Агар мутахассиснинг фикридан келиб чиқадиган бўлсак, иқтисодий ривожланиш дастурлари асосидаги "йўл харита"ларининг ижроси ҳудудда янги иш ўринлари очилиши, солиқ тушумларининг ортиши, маҳсулот тури ва ҳажми кўпайишига хизмат қилади. Лекин "йўл харита"сига кирган барча лойиҳанинг ижроси бирдек таъминланмаяпти. Демак, режалаштирилган иш ўрни, бандликни таъминлаш ишлари ортга сурилади, солиқ тушумларини кўпайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишда янги имкониятлар ишга солинмасдан қолади.

"Йўл харитаси"да киритилган ҳар қандай дастур аҳолида шу ҳуддудда ёки йўналишда катта ўзгаришлар бўлишига умид уйғотади. Унинг амалга ошмасдан қолгани эса ўша умиднинг сўнишидан ҳам кўра бундай лойиҳаларнинг тузилиши ва белгиланаётган режаларнинг бажарилишига бўлган ишонч сўнишига олиб келади. Шундай экан "йўл харитаси" тузилаётганда форс-мажор ҳолатлари ҳам ҳисобга олиниши, тайёрланган дастурнинг амалга ошишини таъминлаш зарур.

**Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ.**

?

**Мол-мулкимни гаровга қўйиб кредит олмоқчиман. Нотариусга қандай ҳужжатлар тақдим этилади?**

**У.МЕҲРОЖЕВ,**
**Ургут тумани.**

# ГАРОВГА НИМА ҚЎЯСИЗ?

Гаров (ипотека) шартномасини тасдиқлаш учун нотариус қуйидагиларни талаб қилади:

гаров (ипотека) нарсасига нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

кадастр маълумотномаси (кўчмас мулклар учун);

асосий мажбурият ҳақидаги шартнома (кредит ёки қарз шартномаси, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, транспорт экспедицияси ва бошқалар) нусхаси;

гаров (ипотека)га қўйилган мол-мулкнинг гаровга олувчи ва гаровга қўювчи билан биргаликдаги тузилган баҳолаш далолатномаси ёки баҳоловчи ташкилотнинг хулосаси;

гаров (ипотека)га қўйилаётган мол-мулк умумий мол-мулкни (эр-хотиннинг биргаликдаги мулки) ташкил этса, барча мулкдорларнинг (эр-хотиннинг) розилиги;

ипотекага қўйилаётган мол-мулк хусусийлаштирилган тураржой бўлса Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органларидан (Тошкент шаҳрида – «Тошкент шаҳрида уй-жойга давлат ордерлари ва маълумотлар бериш маркази» давлат унитар корхонасидан» олинган тураржойни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисида маълумотнома;

хусусийлаштиришда қатнашиб розилик берган шахсларнинг нотариус ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаҳодатлантирилган розилик аризалари;

васийликдаги шахсга қарашли бўлган кўчмас мулк бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга гаровга берилганда, васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги;

гаров (ипотека) нарсаси ашёвий ҳуқуқ бўлган (хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи, сервитутлар ва ҳоказо) ҳолатда мулкдорнинг розилиги, қонунда ва шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Гаров (ипотека) шартномасини тасдиқлашда давлат божи шартнома суммасидан, яъни гаров (ипотека)га қўйилаётган нарсанинг баҳосидан олинади.

Гаров (ипотека) шартномаларини тасдиқлашда нотариус гаров (ипотека)га қўйилган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишга тақиқ қўяди.

**Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус У.ҒАФФОРОВ.**

*"Hududgaz Samarqand" газ таъминоти Пахтачи туман бўлими томонидан бу йил ҳудуддаги табиий газга уланган 10 минг 509 та аҳоли хонадонларига узлуксиз табиий газ етказиб берилмоқда.*

*– Тумандаги 866 та хонадонга электрон ҳисоблагич ускуналарини ўрнатдик, – дейди "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти Пахтачи туман бўлими бошлиғи Эркин Исмоилов. – Кейинги йилда яна қўшимча 23 та маҳалладаги хонадонларда ўрнатилган ҳисоблагичларни янгисига алмаштирамиз. Мавсум олдидан мавжуд газ қувурларининг 260 километрга яқин қисми яроқлилик даражаси синовдан ўтказилди.*

**Суратда:** *чилангар Азамат Таниев газ босимини синовдан ўтказмоқда.*

**Тоҳир НОРҚУЛОВ фото лавҳаси.**

# Каттақўрғоннинг «тилла одам»и эди

Азим Тиллаевни нафақат каттақўрғонликлар, балки вилоят аҳли эл ишига камарбаста инсон сифатида яхши эслайди.

1940 йилда Каттақўрғон шаҳрида туғилган Азим ўқувчилик йилларидаёқ китобга меҳр қўйди. Билимга чанқоқлиги ўрта мактабда аъло баҳоларда ўқиётганида яна ҳам намоён бўлди. Каттақўрғон шаҳридаги 5-ўрта мактабни битиргач, Самарқанд зооветеринария техникумида таҳсил олди. Кейин Нуробод туманидаги Улус хўжалигида иш бошлади.

Ундаги ғайрат-шижоатни сезган раҳбарлар икки йил ўтгач, Каттақўрғон, кейинчалик Иштихон тумани ёшларига етакчилик қилишга юборди. А.Тиллаев 1966 йилда вилоят партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлимида иш бошлади ва ишлаш билан бирга Тошкент, сўнгра Москва олий партия мактабларида таҳсил олди.

- Азим Тиллаевни ёшлар таълим-тарбияси йўлида кўп хизмати сингган инсон сифатида яхши биламан, - дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасан Нормуродов. - Адолатпарвар, ташаббускор, хушчақчақ инсон эди. Ўзига топширилган вазифани сидқидилдан бажарарди.

Азим Тиллаев кейинчалик Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида илмий ходим бўлиб ишлади ва номзодлик диссертациясини ёқлаб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

1971 йилда Азим Тиллаев республика раҳбари Шараф Рашидовнинг назарига тушди, 31 ёшида Нурота туманига биринчи раҳбар этиб тайинланди. У ҳар бир ишни виждонан бажариб, одамлар кўнглидан жой олди, раҳбарлик қобилиятини намоён этди.

Нуротада бўлганимизда Азим Тиллаев бунёд этган кенг ва равон кўчалар, обод ва кўркам хиёбонлар, бир-биридан шинам биноларни кўрамиз.

- Чашма зиёратгоҳи қошидаги Нурота табиий-меъморий мажмуа-музейида Азим Тиллаевнинг Нуротадаги иш фаолиятидан ҳикоя қилувчи манбалар сақланаётганлиги унинг ибратли ишларига берилган юқори баҳодир, - дейди музей директори Абдурауф Шукуров. - Халқ турмуш даражасини яхшилаш, истиқболли режалар асосида Нуротани обод ва кўркам ҳудудга айлантиришда хизматлари беқиёс бўлган инсонни халқимиз сира унутмайди.

Ишонч кишига катта масъулият юклайди. Азим Тиллаев Қўшработ, Нарпай туманларига раҳбарлиги чоғида ҳам мактаб, мактабгача таълим муассасаси, шифохоналар қуришга алоҳида эътибор қаратди. У доимо маънавий-маърифий ишларнинг бошида туриб, халқ кўнглига йўл топди. Иштихон туманига раҳбарлик қилган пайтларида Зарбанд, Жўш, Лангар, Зармитан сингари қишлоқлар аҳолиси учун янги йўллар қуриш, автобус хизмати ташкил этиш каби эзгу ишларга бош бўлди. Айниқса, Зарбанд мармар карьери ишга тушгач, олинадиган қимматбаҳо мармарлар сайқалланиб, республикамизнинг катта қурилишларида ишлатилди.

Азим Тиллаевнинг тўғрисўзлиги, адолатпарварлиги кимлargадир ёқмаганлигидан уни Москвадан келган "адолат пешволари" Гдлян ва Ивановларга рўбарў қилишди. Ўзбекистонда бошланган "Пахта иши", "Ўзбеклар иши"да уни уч йил "чиғириқ"дан ўтказишди. Бироқ аниқ бир далил, исбот топилмагач, айбсизлиги исботланиб, тергов иши тўхтатилди.

Азим Тиллаев рафиқаси Лолахон ая билан 6 фарзанд тарбиялади. Бугун онахоннинг атрофида 15 нафар набира, 2 чевараси парвона.

Умр - оқар дарё. Азим Тиллаев 1999 йилда касаллик туфайли 59 ёшида вафот этди.

Ҳаёт бўлганида бугун 80 ёшни қаршиларди. Фарзандлари, дўстлари, шогирдлари қатори биз ҳам бу азиз инсоннинг пок руҳини яна бир карра эсга олдик. Зеро, яхшилар ўлмайди, улар ҳаётлигида қилган эзгу ишлари билан қалбимизда яшайди.

**Исматилло УМАРОВ,**
**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзолари.**

Ярим аср вақт оммавий ахборот воситаларида хизмат қилиш жараёнида омма орасида юриб, кексаларга ҳурмат ва эътибор кўрсатиш халқимизга хос яхши бир удум эканини ҳис қилдим. Президентимизнинг «Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони биз, кексаларга ғамхўрликнинг яна бир кўринишидир.

# Нуронийлик – мартаба

Унда «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони таъсис этилиши белгиланиб, бу нишон билан тақдирланган фуқароларга алоҳида эътибор кўрсатиш айтилган эди. Кейинги йилларда фахрийларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлар кўлами янада кенгайди. Эндиликда уларнинг соғлиғини тиклаш, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, уларнинг санаторийларда дам олишини ташкил этиш, зиёратгоҳларга олиб бориш каби тадбирлар ҳам амалга оширилаётир.

**Облоқул УСМОНҚУЛОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,**
**«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.**

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

**ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА МАНЗИЛИ ЎЗГАРДИ**

**Самарқанд ҳарбий прокуратураси 2020 йил 11 ноябрдан бошлаб янги манзилда - Самарқанд шаҳри Мир Саид Барака кўчаси, 49-уйда (почта индекси: 140105) ўз иш фаолиятини давом эттирмоқда.**

Шунингдек, соҳага оид саволлар, муаммолар ва мурожаатлар учун Самарқанд ҳарбий прокуратурасининг қуйидаги телефон рақамларига қўнғироқ қилишингиз мумкин:

**Ҳарбий прокуратура навбатчиси:** 66-237-72-35;
**Ишонч телефони:** 66-237-72-35.

**САМАРҚАНД ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРАСИ.**

* * *

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**

Самарқанд шаҳридаги «ZINDER BEST COLUTION» хусусий корхонаси (СТИР: 307540960) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «ZINDER BEST COLUTION» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиради. «ZINDER BEST COLUTION» масъулияти чекланган жамияти жамияти «ZINDER BEST COLUTION» хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 146/8-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2010 йил 19 майда 6447 реестр рақами билан рўйхатга олинган "BEGZOD PLUS SHAXZOD" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "BEGZOD PLUS SHAXZOD" МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 18 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 18-уй.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 301614745.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «TEXNOSOFT» фирмаси ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «TEXNOSOFT» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиради. «TEXNOSOFT» масъулияти чекланган жамияти «TEXNOSOFT» фирмасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Пушкин кўчаси, 15-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳридаги «INTEGRITY TRADE GROUP» хусусий корхонаси (СТИР: 304367884) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «INTEGRITY TRADE GROUP» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиради. «INTEGRITY TRADE GROUP» масъулияти чекланган жамияти «INTEGRITY TRADE GROUP» хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳкўчаси, 100-уй, 31-хона.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Баракаева Асолатга (1995 йил 13 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бахрамова Феруза Заировна нотариал идорасида марҳум Захарова Эмма Ивановнага (2019 йил 20 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахрамова Феруза Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.**

* * *

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қоракўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасида марҳум Пулатов Суннатулло Одиловичга (2019 йил 6 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қоракўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Ургут тумани Почвон маҳалласи.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод нотариал идорасида марҳум Халилов Шухрат Давлатовичга (2019 йил 27 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ шаҳарчаси Чўлпон кўчаси.**

* * *

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норматов Мурод нотариал идорасида марҳум Джалилов Каримга (1984 йил 14 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норматов Мурод нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Карабаев Рахматга (2019 йил 7 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Ургут туман филиалидан Пардаева Сожида Нарзиқуловнага (СТИР: 471349704) тегишли "Ургут савдо комплекси" ҳудудидаги 5-сонли ошхона биносининг 14:14:07:02:08:0033:1174 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университетидан 2007 йилда Меликулова Зулайхо Бахридиновна номига берилган рўйхат рақами 1318, В № 319817 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаролар Сулаймонов Орзужон Санатиллоевич ва Мардиева Гузал Камолидиновналар ўртасида 2017 йил 15 декабрда Самарқанд шаҳри Микрорайон «Б» кўчаси, 3-«А» уй, 4-хонадон учун тузилган, Самарқанд шаҳар 12-сон давлат нотариал идорасидан тасдиқланиб, 3-9715 рақам билан реестрга киритилган олди-сотди шартномасининг асл нусхаси ҳамда Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан ушбу хонадон учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

1-Самарқанд педагогика коллежидан 2006 йилда Жураева Камола Шокировна номига берилган рўйхат рақами 548, К № 443536 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 1-тунги коллеждан 1994 йилда Вахидов Бахтиёр Бобоевич номига берилган ВУ № 275963 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан 2013 йил 19 декабрда Тагиев Тахир Аминджоновичга қарашли Самарқанд шаҳри Тонг кўчаси, 2-берк кўча, 9-уй учун берилган 34121 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

СТ МЧЖ "GLOBAL INSURANCE GROUP" Самарқанд вилоят филиали суғурта қилиш жараёнларида қатъий ҳисобда турувчи 0065221, 0065222, 0067745-сонли полислар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳар 18-умумий ўрта таълим мактабидан 2002 йилда Закирова (ҳозирда Талибова) Умида Эркиновна номига берилган O'R-Z № 1292917 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Усмонова Латофат Қаршиевна номига берилган U № 1886051 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейидан 2019 йилда Абдурашидов Фаррух Абдумумин ўғли номига берилган рўйхат рақами 2549, L № 364733 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

**ИШГА МАРҲАМАТ!**

Ургут туманидаги 82-умумий ўрта таълим мактаби қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқитувчиларни ишга таклиф этади: Тасвирий санъат (8 соат), технология (13 соат), мусиқа (5 соат).

**Манзил: Ургут тумани Нисбот МФЙ Мироншоҳ Мирзо кўчаси, 3-уй. Телефон: +99895 411-01-18.**

## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Самарқанд вилояти ҳокимининг 2020 йил 23 сентябрдаги "Фойдаланилмасдан бўш турган давлат объектларидан келгусида самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 147-Қ-сонли қарорига асосан инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш эвазига баҳоланган бозор қийматида "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончаси орқали сотилиши режалаштирилган давлат мулки объектлари бўйича

# САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

| Т/р | Объект номи | Балансда сақловчи ташкилот номи | Жойлашган манзили | Умумий ер майдони (га.) | Қурилиш ости майдони (кв.м.) | Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар миқдори | | | Объектнинг баҳоланган нархи | Белгиланган фаолият тури | Савдо санаси | Аризи беришнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Инвестиция миқдори (млн.сўм) | Киритиш муддати | Иш ўринлари сони | | | | |
| 1 | 4-сон маданият ва аҳоли дам олиш марказининг зали | Тойлоқ тумани ҳокимлиги | Тойлоқ тумани Хўжаюз МФЙ | 0,04 | 291,36 | 500,0 | 12 ой | 8 та | 157 735 770 | Кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 21.12.2020 й. | 19.12.2020 й. |

Ушбу объектларни "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин "e-auksion.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

**Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:**

Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтда кўрсатилган муддатда тўхтатилади.

**Аукцион жараёни:**

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"ига кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 9:00 да бошланади).

Аукцион қатнашувчиларига дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган кадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охирги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охирги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

**Қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил:** Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-"А" уй, 6-қават 604-хона. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси (Давлат активларини хусусий мулкка бериш бўлими).

**Маълумот учун телефон:**
66-233-73-54.
**Факс:** 66-233-73-54.
**Facebook даги расмий саҳифа:**
Sam Dav Aktiv
**Веб-саҳифа:** privatization.davaktiv.uz
**Интернет тармоғидаги веб-сайт:**
samarqand@davaktiv.uz

Вилоят «Зарафшон» ва «Самаркандский вестник» газеталари бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят масъул котиби Акрам Ҳайдаровга онаси **Зуҳра ая ҲАЙДАРОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд давлат университети жисмоний маданият факультети факультетлараро жисмоний маданият ва спорт кафедраси жамоаси кафедранинг собиқ катта ўқитувчиси, спорт фахрийси **Рафиқ САЛИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

# Мисрдан топилган НОДИР ДУРДОНА



## Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги олдидан

Мир Алишер Навоий ижоди нафақат бугунги кунда, балки ўз даврида ҳам жуда катта ҳудудларни қамраб олган, шоир ҳаётлик чоғидаёқ унинг ижоди чор тарафга тарқалиб улгурган эди.

Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонида ўзининг ютуқларидан ҳақли равишда фахрланиб, шу мисраларни битган эди:

*Олибмен тахти фармонимға осон,*
*Черик чекмай Хитодин то Хуросон*
*Хуросон демаким, Шерозу Табриз,*
*Ки қилмишдур найи килким шакаррез.*

Бу шеърий парчада туркий ва форсий халқлар яшайдиган жуда катта ҳудуд назарда тутилган. Харитани кўз олдингизга келтиринг: Шарқий Туркистондан Эроннинг ғарбий ҳудудларигача бўлган юртлар аҳолиси Навоийнинг асарларидан баҳраманд бўлган. Бу пайтда Эрон, Озарбойжон, Арманистон, Грузия, Ироқ сингари мамлакатлар ҳудудида Оққўюнлилар (тўғрироғи Оққўйлилар) сулоласи (1378–1508) ҳукмронлик қиларди. Улар ҳам темурийлар сингари адабиёт ва санъат тараққиётига катта эътибор қаратган.

Тарихий маълумотларга қараганда, бу даврда туркий тил ва адабиёт кенг ривожланган. Қуръони карим туркий тилга таржима қилинган, бу тилда ижод қилган шоирлар, тарихчилар рағбатлантирилган.

Ҳазрат Навоийнинг ҳаётлик чоғида бу давлат ҳудудида алоҳида девон тартиб этилиши фикримизни исботлайди. Шу пайтга қадар Навоий тириклигида унинг мухлислари томонидан яратилган биргина девон бизгача етиб келган, деган фараз ҳукмрон эди. Навоий ёшлик пайтида ўз ижодидан тўла қониқиш ҳосил қилмагунча шеърларини девон кўринишига келтиришга шошилмаган.

Алишер Навоий ўзи тартиб берган дастлабки девони – «Бадойиъ ул-бидоя» дебочасида: «...халойиқ аросида минг байт – икки минг байт ортуғроқ-ўксукракким ўзлари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур бўлуб эрди» дейди, яъни 1000–2000 байтдан ортиқроқ шеърларни одамлар ўзлари тўплам шаклига келтиришгани ва у анча шуҳрат қозонганини ёзади.

Бу ўринда Навоий ўша "Илк девон"ни назарда тутган бўлиши мумкин. Аммо шу пайтга қадар тахминан ўша пайтларда яратилган яна бир нодир манба борлигини кўпчилик билмасди. У 2012 йилда навоийшунос олим, филология фанлари доктори Афтондил Эркинов томонидан аниқланган ва айни пайтда ҳар тарафлама тадқиқ қилинаётган "Оққўюнли мухлислар девони» эди.

Ушбу қўлёзма ҳақида илк маълумотлар 1935 йилда нашр этилган Қоҳира кутубхонасидаги расмли қўлёзмалар феҳристида учрайди. Қўлёзманинг Мисрга қандай бориб қолгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Ушбу давлатда асрлар давомида бир қанча туркий сулолалар (мамлуклар, тулунийлар, усмонийлар ва ҳ.к.) ҳукмронлик қилганини ҳисобга олсак, туркий адабиётга камида сарой муҳитида қизиқиш катта бўлгани ўз-ўзидан равшанлашади. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асари қадимий нусхаларидан бири айнан Қоҳирадан топилгани ҳам бежиз эмас. Таниқли ўзбек шоири Сайфи Саройи (XVI аср) ҳам умрининг катта қисмини Мисрда яшаб ўтказган ва шу ерда ижод қилган.

Шундай экан, Навоийнинг Оққўюнлилар даврида тузилган девони айнан Мисрдан топилгани у қадар ажабланарли ҳолат эмас.

Девон хотимасидаги маълумотларга эътибор қаратсак, у 876 йили ражаб ойининг 12-куни, (1471 йил 24 декабрда) кўчирилган. Бу пайтда Навоий ҳали ўттиз ёшли йигит эди. Девон навқирон шоирнинг кечинмалари, хаёлот олами, орзу-умидлари, тасаввурларини англашимизга йўл очади.

Бу нодир топилманинг яна бир қимматли томони - унинг ҳамюртимиз Абдурраҳим Хоразмий томонидан кўчирилганидир. У оққўюнлилар давлатида ном чиқарган хаттотлар сулоласининг атоқли вакили эди.

Девон кўчирилган пайтда, 1471–1478 йиллар оралиғида Шероз шаҳрида Оққўюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасаннинг ўғли, шаҳзода Султон Халил ҳокимлик қиларди. Мутахассислар фикрича, девондаги иккита миниатюранинг муаллифи деб тахмин қилинган рассом Дарвиш Муҳаммад ҳам айнан шу ҳукмдор саройида хизмат қилган. Мазкур миниатюрада от устида турган шоҳона либосдаги йигит Султон Халилнинг ўзи бўлиши мумкин.

1471 йили ҳали 30 ёшдаги шоир Навоий Оққўюнлилар саройи китобхонлари орасида эҳтиром топган ва улар Навоий шеърларини ўзлари сайлаб олиб, девон шаклида тартиб берган. Бу кезларда туркий муҳитда Навоий шоир сифатида танилиб, Ҳусайн Бойқаро саройидаги сиёсий фаолиятини эндигина бошлаётган эди.

Оққўюнлилар Ҳусайн Бойқаро саройига намунавий муҳит сифатида қарашган. Навоий девонидан ташқари Анисий Абдураҳмон Жомий шеърларини ҳам кўчиргани тахмин қилинади.

Девоннинг яна бир ажойиб хусусияти унинг тили билан боғлиқ. Қўлёзма билан танишган, аммо Навоий ижодидан бехабар китобхон уни бир ўқишда ўғуз туркчасида ижод қилган шоирнинг девони деб ўйлаши табиий. Масалан:

*Гўрали ҳуснунгни зору мубтало ўлдум санга,*
*Не балолу гун эдиким, ошно ўлдум санга.*
*Ҳар неча дедимки гун-гундин узам сандан гўнгул,*
*Ваҳки, гун-гундин батаррак мубтало ўлдум санга.*
*Ман ҳачан дедим: «Вафо қилғил манга» зулм айладинг,*
*Сан ҳачан дединг: «фидо ўлғил манга» ўлдим санга.*

Кўриниб турибдики, машҳур ғазалдаги сўзлар ўғуз туркчаси (бугунги турк, озарбойжон, туркман, гагауз, қримтатар тиллари туркий тиллар оиласининг ўғуз гуруҳига киради)га мослаштирилган. Чунки ўша даврда Оққўюнли давлатида асосан туркий тилнинг ўғуз лаҳжасида гапирилган, сарой шеърияти ҳам асосан шу тилда битилган. Шу сабабли мазкур девон Оққўюнлилар адабий муҳити вакили томонидан таҳрир (қисман таржима) қилинган бўлиши мумкин.

"Оққўюнли мухлислар девони"даги шеърларнинг аксарияти Навоийнинг Самарқандда яшаган йилларида ёзилган бўлиши эҳтимоли юқори эканлиги билан ҳам қадрлидир. Чунки Навоий ижодида унинг Самарқандда яшаган даври жуда катта ўрин тутади. Шоирнинг девонлари ҳудуд котиблари томонидан алоҳида эътибор билан китобат қилинган. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Оққўюнли мухлислар девони»га киритилган, лекин "Илк девон"дан жой олмаган ғазалларнинг ҳар бири бевосита Самарқандда ёзилган бўлиши мумкин. Навоийнинг Самарқандда яшаган даврини навоийшунослар тўрт йил, яъни 1465-1469 йиллар деб белгилашади.

Кўпгина ғазалларда бевосита Навоийнинг таржимаи ҳолига тааллуқли жиҳатлар ҳам яққол кўриниб қолади. Жумладан, "Оққўюнли мухлислар девони"даги бир ғазалнинг сўнгги байти алоҳида диққатни тортади:

*Эй Навоий, бир сори ўлди бу ғамлар чун санга,*
*Азми даргоҳи шаҳи олийжаноб ўлди яна.*

Маълумки, 1469 йилда тахтни эгаллаган Ҳусайн Бойқаро Самарқандга мактуб йўллаб, Алишер Навоийни Ҳиротга чорлайди. Бу хабарни эшитган Навоий дарҳол Ҳирот томон йўлга тушади. Юқоридаги байтда ҳам айни ўша ҳолат назарда тутилгандек.

Нима бўлганда ҳам бу девон ҳазрат Навоийга бўлган беқиёс ҳурмат ва эътиборнинг гўзал намунаси, деб айтишимиз мумкин.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**Самарқанд давлат университети тадқиқотчиси.**

# Бобурий маликалар давлат ишларида фаол бўлган

Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига 1526 йил 27 апрелдаги Панипат яқинида бўлиб ўтган жангдан сўнг Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан асос солинган. Сулола Ҳиндистонни Буюк Британия босиб олгунга қадар (1858 йил), 332 йил давомида бошқарган. Бу давлатнинг нисбатан узоқ давр мобайнида ҳукмронлик қилиши ва қудратга эришувида фақат ҳукмдорларнинг қаттиққўл бошқаруви эмас, балки доно ва оқила маликаларнинг ўрни ҳам беқиёс бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бошига тушган ташвишларини у билан бирга кечирган ва унинг энг ишончли кишисига айланган малика бу, Гулруҳбегимдир. У Комрон Мирзо, Шоҳрух Мирзо, Султонаҳмад Мирзо ва Гулузорбегимнинг онаси бўлиб, келиб чиқиши мўғулларга бориб тақалган. Бобурнинг вафотидан кейин сиёсатга аралаша бошлайди. 1540 йилда Деҳлини ташлаб чиққан Ҳумоюн Кобулда Комронни қолдириб, ўзи укалари билан бирга Бадахшонга юриш қилмоқчи бўлганида, Комрон Мирзо Кобул онасига берилишини даъво қилган.

Ҳумоюн Мирзо Кобул холиса қилингани учун рози бўлмайди. Оқибатда ака-укалар ўртасида келишмовчилик юз беради. Гулруҳбегим уларни яраштиришга уринмаган. Аммо кўп ўтмай Гулруҳбегим вафот этган. Гулбаданбегимнинг гувоҳлик беришича, 1545 йилда Ҳумоюн Кобулга ҳужум қилганида Комрон Мирзо Боғи Навдаги онаси қабрини зиёрат қилиб, сўнг қочиб кетган.

Бобурий маликалар ичида энг машҳури Гулбаданбегимдир. У Бобурнинг Дилдор Бегим исмли хотинидан туғилган учинчи қизидир. Гулбаданбегим 1523 йилда Кобулда туғилган. Онаси Дилдор Бегим Бобур Мирзонинг амакиси Султон Маҳмуд Мирзонинг қизи эди. Гулбаданбегимнинг ижоди туфайли у кейинги даврларда ҳам кўп бора тилга олинди.

Аржуманд бону – асли эронлик бўлиб, бобоси ва ота-онаси камбағаллик юзасидан Ҳиндистонга кўчиб келиб, Акбаршоҳ хизматига кирган. 1613 йили 19 ёшли Аржуманд бону 21 ёшли шаҳзода Шоҳжаҳонга турмушга чиқади. Ўткир ақл-идрокли Аржуманд бону тадбиркорлиги, иффати ва ҳусн-латофати билан тезда сарой аъёнлари ўртасида катта эътибор қозонади. Жаҳонгиршоҳ ва шаҳзода Хуррам ораларида вужудга келган келишмовчиликларни Аржуманд бону ҳал қилишга киришар ва бу ишнинг уддасидан чиқар эди. Бундай хизматлари эвазига ҳар икки томоннинг илтифотига сазовор бўлган. Шунинг учун кўп ўтмай саройда Аржуманд бону – Мумтоз Маҳал дея атала бошланди. 1628 йил февралда эри Шоҳжаҳон тахтга ўтиргач, ёш малика Мумтоз Маҳал бегим салтанат ишларида унга ёрдамлашиб, маслаҳатлари билан ҳукмдорни тўғри йўлга бошлади. Саройда у маслаҳатчи ва муҳрдорлик лавозимида эди. У умри давомида 14 нафар фарзанд кўрди, 1631 йил 17 июнь куни, Бурхонпурда 14-фарзандини дунёга келтириш пайтида, 38 ёшида вафот этди.

Аёлларнинг давлат бошқарувида иштирок этиши, энг юқори мансабларнинг ишониб топширилиши, уларнинг ҳақиқатда кучли фазилатларга эга бўлганлигидан далолат беради. Бобурийлар ҳукмронлиги даврида аёлларга ўзига хос иззат-икром кўрсатилган, давлат бошқаруви даражасидаги лавозимлар ишониб топширилган.

**Суннатилла ЖУМАНОВ,**
**Самарқанд давлат музей-қўриқхонасининг илмий кутубхонаси бўлим бошлиғи.**

# Янгиободдаги янги спорт залида

Каттақўрғон туманининг энг чекка ҳудудида жойлашган Янгиобод маҳалласида бўлиб ўтган "Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш" тарғибот тадбири доирасида Кўмир қишлоғидаги 28 мактабининг янги спорт зали фойдаланишга топширилди.

1 миллиард 28 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилган мазкур спорт зали ювиниш, кийиниш ва тиббиёт хоналари, замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Тарғибот тадбири ҳам ушбу залда ўтказилди.

- Спорт залимизнинг қурилиш тарихи эсда қоларли бўлган, - дейди мактаб директори Азиза Боймуродова. – Туманимизнинг собиқ ҳокими (охирати обод бўлсин) Аъзамхон Баҳромов ижтимоий тармоқда эълон қилинган "Муаззам тонглар отади" номли шеъримни ўқиб, илиқ фикрларини билдирганди ва мактабимиздаги муаммолар ҳақида сўраганида биргина спорт зал кераклигини айтгандим. Орадан бироз вақт ўтиб, у кишидан хабар келди: "Шоирамиз Азизахон Боймуродова, муаззам тонгларингиздан бири отди. Мактабингиз учун спорт зали ва қўшимча бино қурилиши инвестиция дастурига киритилди!"

**Т.НАРЗУЛЛАЕВ.**

# Математика фани барча муаммоларга ечим топади

Ўқувчиларни математика фанига қизиқтиришда дарсни тўғри ташкил этиш ва ўқитувчининг ижодкорлик қобилияти катта ўрин тутади.

Ўқувчилар математикадан фақат материалларини ўзлаштирибгина қолмай, атроф-муҳитни, ҳодиса ва жараёнларни кузатиши, фикрлаши, ўз хулосаларини асослаши, математик тил билан сўзлашишлари керак. Бунда, айниқса, дидактик ўйинларнинг аҳамияти катта.

Дидактик ўйинлар дарсда индивидуаллаштириш, яъни ҳар бир ўқувчининг қобилиятига яраша топшириқ бериш, унинг иқтидорини ўстириш имконини беради. Ўйин орқали ўқувчилар дарсдан олган билимларини мустаҳкамлайди, уларни ҳаётга татбиқ этади. "Математик мозаика", "Ритмик ўйинлар", "Мисоллар билан жавобларни бирлаштириш", "Жонли рақамлар" каби ижодий қобилиятни ривожлантирадиган ўйинлар шулар жумласидан. Мен бунинг самарасини тажрибамда кўрдим.

Математика фанининг вазифаси фақат ҳисоб-китобни ўргатишдан иборат эмас. У рақамлар орқали ҳаётдаги барча муаммоларга ечим топишда инсонга ёрдам беради. Бу фандан яхши ўқиган ўқувчи бошқа фанларни ўзлаштиришда қийналмайди. Чунки математика ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини оширишга хизмат қилади, тафаккурга ундайди, мия имкониятларини ишга солади, тўғри қарорлар қабул қилишга ундайди.

Демоқчиманки, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга шахсий муносабатни шакллантириш мақсадида уларни фикрлашга ўргатиш учун болаларни математика фани билан ошно этиш зарур.

**Музраф МАРДИХОНОВ,**
**Иштихон туманидаги 2-ИДУМ ўқитувчиси.**

**19 ноябрь**

## ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

**Муҳсинжон АШУРОВ – 1949 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Физик олим. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги.**

Zarafshon
Самаркандский вестник

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 9 741 нусхада чоп этилди. Буюртма 697

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ё.МАРҚАЕВ.
Навбатчи: Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X